

Сийрат дарслари (135-дарс). Туянгни менга сотасанми?



16:00 / 07.05.2021 6084

512. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам «нажш»дан қайтардилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Нажш» сўзи «шишириб кўрсатиш» маъносини англатади. Савдода эса, бошқаларни алдаб, қизиқтириш учун бир нарсани ортиқча баҳога сотиб олишга айтилади.

513. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ғазотда эдим, бўрам (сувчи туям) чарчаб қолди. Секинлаб қолган туямизда кетаётсам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнимга келдилар. Туя зўрға юрарди. Шунда у зот менга: **«Туянгга нима бўлди?»** дедилар. «Чарчаб қолди», дедим. Шунда у зот орқага ўтиб, уни қистадилар ва дуо қилдилар. Туя барча туялардан ўзиб, уларнинг олдида юриб кетди. Шунда у зот менга: **«Туянг қандай бўлиб қолди?»** дедилар. «Яхши, унга баракангиз тегди», дедим. **«Уни менга сотасанми?»** дедилар. Бизнинг бундан бошқа сувчи туямиз бўлмаса ҳам, уялганимдан: «Ҳа», дедим. **«Уни менга сот»**, дедилар. Мен туяни Мадинага етиб олгунча миниб боришим шарти билан у зотга сотдим. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен янги куёвман», деб изн сўрадим. У зот менга изн бердилар. Адийна томонга юриб, одамлардан илгарилаб кетдим. Тоғам йўлиқиб, туя ҳақида сўради. Унга нима қилганим ҳақида хабар бердим. У мени маломат қилди. Изн сўраганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Бокирага уйландингми ёки жувонгами?»** дедилар. «Жувонга уйландим», дедим. **«Бокирага уйланингми сен у билан ўйнашар эдинг, у ҳам сен билан ўйнашар эди»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, отам вафот қилиб ёки шаҳид бўлиб, кичик сингилларим (менга) қолди. Улар тенгига уйлансам, уларга одоб бера олмайди, уларга қарай олмайди деб, жувонга уйландим. Уларга қарасин, одоб берсин, деб ўйладим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага етиб келганларида эрталаб туяни олиб бордим. У зот менга қийматини бердилар. Кейин ўзини ҳам қайтариб бердилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан